

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**393 «Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамиятининг ижро
этувчи аппарати тузилмасини такомиллаштириш
тўғрисида**

«Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамиятининг бошқарув самарадорлигини янада ошириш, кўмир тармоғини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тизимини такомиллаштириш, объектларни муҳофаза қилиш ишончлилигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамияти ижро этувчи аппаратининг ходимларнинг чекланган умумий сони 138 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлар сони 65 нафар бўлган янгиланган тузилмаси иловага мувофиқ маъқуллансин.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси Кенгашига «Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамияти ижро этувчи аппарати тузилмасига тасдиқланган ходимлар сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳукуқи берилсин.

2. «Ўзбекэнерго» ДАК, «Ўзбеккўмир» ОАЖ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, тижорат банклари билан биргаликда уч ой муддатда 2013 — 2018 йиллар даврида «Ўзбеккўмир» ОАЖ корхоналарини ва умуман кўмир тармоғини

ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсинлар, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш;

корхоналарни молиявий-иқтисодий жиҳатдан соғломлаштириш ва кўмир казиб олишнинг рентабеллигини, шу жумладан йўл-йўлакай ажратиб олинadиган фойдали қазилмалардан оқилона фойдаланиш ва маҳсулотларни диверсификация қилиш ҳисобига ошириш;

«Ўзбеккўмир» очик акциядорлик жамиятининг кўмир сотиш бўйича дистрибьюторлик марказлари тармоғини кенгайтириш ҳисобига кўмир сотиш инфратузилмасини ривожлантириш;

кўмир тармоғи корхоналари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 21 июндаги 290-сон қарори 6-бандининг бешинчи хатбоши, шунингдек қарорга 5-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 14 август,
246-сон

**«Ўзбекқўмир» ОАЖ ижро этувчи аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**



- Юридик бўлими — 5 киши (шу жумладан бошқарув ходимлари — 1 киши)
- Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими — 14 киши (шу жумладан бошқарув ходимлари — 6 киши)
- Молия бўлими — 7 киши (шу жумладан бошқарув ходимлари — 2 киши)
- Бош директор ёрдамчиси — 1 киши (шу жумладан бошқарув ходимлари — 1 киши)

Ходимларнинг умумий сони — 138 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 65 киши (ҳудудий дистрибьюторлик марказлари, «Шарғунқўмир» ОАЖ, «Апартак» МЧЖ ходимларидан ташқари).